O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **19** май, жума № **20** (2147).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **19** мая, **2006** год, № **20** (2147).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Биз замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, авваламбор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу заминда тарбия топган, вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз.

**Ислом КАРИМОВ**

## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

### Президент Ислом Каримовнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари

Президентимиз Ислом Каримовнинг жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини таҳлил қилиш, юртдошларимизнинг орзу-үйларидан яқиндан хабардор бўлиш мақсадида вилоятларга чиқиб туриши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари ана шу мақсадда 18 май куни Навоий вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз сафарини шаҳар аэропортида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бошлади.

Ҳар қандай аэропорт стратегик аҳамиятга эга. Навоий аэропорти жойлашув нуқтаи назаридан бу борада, айниқса, муҳим ўрин тутади, – деди Ислом Каримов. – Бундан қарийб уч йил бурун бу ерда қурилиш ишларига киришилган, бунинг учун катта маблағ ажратилган эди. Афсуски, ўтган даврда мазкур объект учун ишлатиладиган баъзи қурилиш материаллари етказиб берадиган корхоналар бунёд этилмаган. Лойиҳада кўзда тутилган айрим хомашёлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди.

Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, хавфсизлиги учун жуда муҳим бўлган ушбу объект қурилишини бошлашдан олдин жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини, тегишли буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар бу борада жонбозлик кўрсатмаганини танқид қилди. Ушбу объектдаги қурилиш ишларини яхшилаш юзасидан, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ ва тавсиялар берди.

Навоий вилояти мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ерда наинки юртимизда, балки дунёда ўзига хос мавқега эга йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига киради. У Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги энг йирик саноат корхонасидир. Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Ускунасозлик цехида саноат тизимида қўлланиладиган турли хил ускуналар тайёрланади, капитал таъмирдан чиқарилади, шу билан бирга, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Дастгоҳсозлик цехида чархлаш-силлиқлаш дастгоҳи, бошқариш пульти-функционал имкониятлари кенгайтирилган ва электронли тизим орқали бошқариладиган универсал токарлик станоги ҳамда винт қирқиш дастгоҳи каби саноат учун зарур, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу заводда дунё миқёсида ноёб агрегатлар тайёрланаётгани қувонарлидир,– деди Ислом Каримов. – Энг муҳими, бу ерда илгари саноат корхоналаримиз учун четдан келтириладиган кўплаб дастгоҳ ва ускуналарни юксак сифат билан ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга корхона фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратиш борасида тавсиялар берди.

Ислом Каримов машинасозлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг иш ва яшаш шароити билан қизиқди.

**(Давоми 2-бетда).**



Ярослав КОРУКА олган сурат.

***Аскар ўғлим келди, полвоним келди!***

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

## 15 ОЗОД ЮРТНИНГ ПОСБОНЛАРИМИЗ

Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, Ўзбекистон аскари! Бугун бу сўзлар қанчалар фахр, қанчалар ғурур, шараф билан жаранглашини биласизми?! Аслида ақлу заковати, интеллектуал салоҳияти билан дунёни лол қолдириб, ўзбеклигини, Ўзбекистонини жаҳонга кўз-кўз қилаётган, буюк аждодларига муносиб ворис эканлигини намойиш этаётган ҳар бир инсон борки, том маънодаги Ватан ҳимоячиси. Мустақил юрт манфаатини ҳимоя қилаётган, унинг истиқболи йўлида ёниб яшаётган ҳар бир фуқаро – ватанпарвар. Шу ўринда эса биз озод юрт посбони мақоми хусусида сўзлашишни ихтиёр этдик.

Ислоҳотларимиз янги бир босқичга кўтарилган айни пайтда ҳарбийлик шарафли, фахрли касбга айланаётганини кўп бора эътироф этганмиз. Бунинг асосий сабабчиси истиқлолимиз.

Президентимизнинг «Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир», деган гаплари бор. Бунинг замирида улкан маъно мужассам. Демакки, бу халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шаҳид кетган, бу дориломон кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг ўша асрий орзу-ниятларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи дегани. Табиийки, бундайин ҳуқуқларимизга кўз олайтирувчилар бор. Мустақил тараққиётимиз йўлида бунга бир неча бора амин бўлганмиз. Ҳатто бугунги талотўп дунёда ҳам турли ахборот хуружлари билан, демократия ниқоби билан таъкидланаётган ҳуқуқимизга кўз олайтиришлар бўлаётганини кўриб турибмиз. Шукрки, истиқлол сабаб эришилган бундайин ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодирмиз. Яъни уларни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

**(Давоми 2-бетда).**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## ВАТАН ИЧРА ВАТАНИМСАН, МАҲАЛЛА

Англияда узоқ вақт хизмат сафарида бўлган ҳамкасбим «уларда ҳам бизнинг маҳаллага ўхшаб кетадиган маъмурий ҳудудий бирликлар бор экан. Инглизлар уларни «коммюнике», деб аташади. Бироқ барибир ўзимизнинг маҳаллага етмайди-да», деган эди. «Дунёни кезсангиз-да маҳалламизга ўхшаганини тополмайсиз. Ватан ичра Ватан ҳисобланувчи бу маскан бизни ҳар томонлама — маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий томондан жипслаштириб, шакллантириб боради», дея жавоб бердим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳалла тинч бўлса, юрт осойишта бўлади, маҳалла обод бўлса, Ватан равнақ топади. Қонунчилигимизда ўзини-ўзи бошқарув органи сифатида эътироф этиладиган маҳаллаларнинг истиқлолга эришганимиздан кейин ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти янада ошди. Хабарингиз бор, айни пайтда республикамиз маҳаллаларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ сайлов жараёни давом этмоқда. Май-июнь ойларига мўлжалланган бу муҳим воқелик жамиятимизни эркинлаштиришни чуқурлаштириш жараёнини, демократик қадриятларнинг ҳаётимизда янада кенг қулоч ёзаётганини, энг муҳими эркин, фуқаролик жамиятимизда ўзини-ўзи бошқарув органларининг ўрни, ваколатлари янада кучаётганини кўрсатади.

**(Давоми 7-бетда).**

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

## МЕҲРИМИЗДАН УНАЁТГАН БУҒДОЙИМИЗ

Суҳбатлашиб туриб, ҳамкасбларимдан бири «Таомларнинг шоҳи нон бўлади. У дастурхон кўрки, безаги. Таомлар меъдага уриши мумкин, лекин нон ҳеч қачон меъдага теккан эмас...», деди. Очиғи унинг бу гапи унчалар ҳайратлантиргани йўқ. Негаки, барчамиз биладиган бу ҳақиқатни ўзига хос тарзда баён этиб берганди. Аммо бу гап, бу фикр мени ўйга толдирди. Дастурхонимиз безаги бўлган нон ҳақида, буғдой ҳақида, унинг ортида ётган қанча-дан-қанча заҳматлар хусусида ўйлаб кетдим.

Бола пайтларимиз эшигимизгача пахта экиларди. Кўз очиб кўрганимиз ана шу пахта бўларди, десам муболаға бўлмайди. Истиқлолга эришиб, ғалла мустақиллиги йўлида Президентимиз раҳнамолигида жадал ишлар олиб борилди. Ахир, ўз нонимиз, ўз ғалламиз бўлиши, мустақил бўлгач, мустақил бўлишимиз керак эди-да. Ҳа, шўро даври, истибдод даврида кимларнингдир қош-қовоғига қараб турганимиз етар. Олтинга баробар тупроғимиз бўлса. Унда пахтадан бўлак нарса битмайдими?! Картошка четдан, буғдойимиз четдан, ҳатто баъзи бир мева-сабзавотларгача четдан олиб келинса?! Хуллас, Ўзбекистон ўзини-ўзи ғалла билан таъминлашдек устувор мақсадни илгари суриб, мустақил тараққиётининг илк давридаёқ ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини айтди.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

## ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Давлатимиз раҳбари «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да шундай деган эди: **«Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».**

Армиядан қайтган йигит – жисмоний жиҳатдан бақувват, тоғни урса талқон қилади, иродаси кучли, ҳар қандай қийинчиликни чидам билан бартараф этади.

Армиядан қайтган йигит – маънавий жиҳатдан камол топган, интеллектуал салоҳияти юксалган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир бўлади.

Армиядан қайтган йигит – ғайратли, шижоатли, ўз сўзининг устидан чиқади. Шунинг учун ҳам уларга ишонч кучли.

Истаса, армияда эгаллаган касбини давом эттирсин, истаса, халқ хўжалигининг хоҳлаган соҳасида жавлон урсин. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчими, марҳамат. Олий маълумот олмоқчи бўлса, ўқишга кириш учун Тавсиянома олганлар учун тест синовларидан тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз бор. Қишлоқ хўжалиги, педагогика, техникага оид олий ўқув юртларига контракт-шартнома асосида қабул қилиниб, фаоллик кўрсатса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаб беришга тайёр. Ишга қабул қилинишида ҳам устунлик имтиёзига эга.

Айни чоғда хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, ота-оналари бағрига қайтган ўғлонларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, қишлоқларда шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Аскарий либосларини уйларини тўрига осиб қўйишибди. Хизмат пайтида тушган суратларини дўстларига, қариндош-уруғларига фахр билан намойиш этишмоқда.

Ишончимиз комилки, армия – ҳаёт мактабидаги метин сафларда тобланиб қайтган ўғлонларимиз ҳаётда ўз ўринларини албатта топажак. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек улар миллий армиямиз сафларида чиниқишди, тобланишди, касб эгаси бўлишди. Барча машғулотларда фаол иштирок этишиб, ҳарб санъатини мукаммал эгаллаш борасида ўқишди, ўрганишди. Бундан ташқари, кутубхоналарда турли адабиётларни мутолаа қилиб, ўз устида ишлашди. Жисмоний, маънавий жиҳатдан камол топишди.

Улар Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчи бўлажак.

**ТАҲРИРИЯТ**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

## ХОРАЗМНИНГ ФИДОЙИ ТАРИХЧИСИ

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Сайид Ҳомид тўра иккала асарида ҳам тарихий воқеалар баёни билан биргаликда ўша воқеаларга нисбатан ўз муносабатини ҳам билдириб борганлигини кўрамиз. Комёб бундай муносабатлар замирида китобхонларни тарихдан хулоса чиқаришга чорлайди. Жумладан, «Таворих ул-хавонин»да Ўғизхон вафотидан сўнг уни авлодлари душманлар томонидан қатл қилиниши воқеаси келтирилган. Шундан сўнг, бу қирғиндан омон қолиб, кейинчалик қўнғирот уруғининг қайтадан жонланишига замин бўлган Элхоннинг ўғли Қаён ҳамда Холининг ўғли Некуз ва уларнинг оилалари тақдири қандай кечганлигини баён қилади. Душманлар қирғинидан омон қолган икки оила кўп вақт қийинчиликларни бошидан кечиради. Тўрт юз йил мобайнида янгидан халқ бўлиб шаклланган икки оила аъзолари қайтадан ота мерос ерларни душманлар қўлидан тортиб олишга киришиб, охир-оқибат яна уни ўз қўлларига оладилар. Бу воқеалар тасвири насрий йўсинда берилиб, охирида назмий хулоса ясалган. Мазкур хулосада Ватан озодлиги учун курашчиларнинг ҳаракатлари юксак баҳоланади:

**(Давоми 7-бетда).**



2 РОСТУ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА – ПОВЫШЕННОЕ ВНИМАНИЕ

СОВЕРШЕНСТВУЮТСЯ ЗНАНИЯ



3 АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

МАҲАЛЛА ФАХРИ



5 МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ МУЗЕЕВ

ЖИВАЯ ЛЕТОПИСЬ СТРАНЫ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

БАХТЛИ АЁЛ БЎЛИШ – МЕНИНГ ОРЗУИМ

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Республикамизда «Ватанпарвар» газетасига 2006 йилнинг II ярми учун обуна давом этмоқда.

Газетамизнинг асосий мақсади, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва қудратини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, мамлакат аҳолисининг барча қатламлари, айниқса ёшларни ватанпарварлик, Ватанга ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Газетага нашр таннархига деярли тенг бўлган махсус имтиёзли нарх қўйилганлиги ҳам эътиборга моликдир. Газетага обуна бўлишнинг 6 ойлик ягона нархи вилоятлар бўйича 13.602 сўм миқдорида, Тошкент шаҳри бўйича 11.730 сўм миқдорида белгиланган. Бу ҳақда сиз яқин орада жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг почта бўлимидан маълумот олишингиз мумкин. Тошкент шаҳри обуначилари учун бевосита нашриёт орқали обуна амалга оширилганда имтиёзли нарх белгиланган, яъни 6 ойга 10.000 сўм (ўзи олиб кетиш шарти билан – 9.100 сўм).

Оммавий тарзда обуна бўлувчилар ва юридик шахслар пул ўтказиш, якка тартибда обуна бўлувчилар эса нақд пул тўлаш йўли билан обунани Тошкент шаҳридаги «Ипотека-Банк» АТИБнинг Шайхонтоҳур тумани филиалидаги № 20203000400447951001 ҳисоб рақами, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100 бўйича амалга оширишлари мумкин. Бунда пул маблағлари келиб тушганидан сўнг нашриёт томонидан буюртма расмийлаштирилади ва унинг нусхаси абонемент билан бирга обуначининг почта манзилига юборилади.

Газетанинг обуна индекси – 114.

Маълумотлар учун телефон: 56-03-46; факс: 56-04-60

**Обуна-2006**



## УВАЖАЕМЫЙ ПОДПИСЧИК!

В республике продолжается подписка на газету «Ватанпарвар» на II полугодие 2006 года.

Основной целью газеты, наряду с мерами по всемерному содействию укреплению боеготовности и мощи Вооруженных Сил страны, росту их авторитета, является утверждение среди всех слоев населения страны, и особенно молодежи, духа патриотизма, преданности Родине и идеалам независимости государства.

На газету установлена специальная льготная ценовая планка на подписку, которая практически равна себестоимости издания. Единая подписная цена по областям установлена в пределах 13.602 сума на 6 месяцев. По г. Ташкенту она составляет 11.730 сумов. Об этом вы можете узнать в ближайшем почтовом отделении АО «Матбуот тарқатувчи».

Для подписчиков по г.Ташкенту при условии подписки непосредственно в издательстве установлена льготная цена – 10.000 сумов на 6 месяцев (при условии самовывоза – 9.100 сумов).

Коллективные подписчики и юридические лица могут осуществить подписку непосредственно в издательстве газеты путем перечисления, а индивидуальные – путем перевода средств на расчетный счет № 20203000400447951001, в Шайхантахурский филиал АКИБ «Ипотека-Банк» г.Ташкента, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100.

Подписной индекс газеты – 114.

Справки по телефонам: 56 03 46, факс 56 04 60.

Сўраган эдингиз

## ИМТИҲОНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛАДИМИ?

Ҳурматли «Ватанпарвар» газетаси ижодий ходимлари. Биз сизнинг газетангизнинг ашаддий мухлислари бўлиб, унинг ҳар бир саҳифасини катта қизиқиш билан ўқиб борамиз. Бизга айниқса газетангизнинг ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи тенгдош саҳифаси жуда ёқади. Таҳририятга бизни анчадан бери ўйлантираётган бир савол билан мурожаат қилаяпмиз. Эшитишимизча, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига қўшимча фанлар қўшилар экан. Шу ҳақида аниқроқ маълумот берсангиз. Асосан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат юридик институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясига кириш учун қайси фанлардан имтиҳон топширилади?

**Аброржон АЪЛОЕВ, Асроржон РАҲМАТУЛЛАЕВ, Раҳмонали ЭШОНОВ.**
**Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, 36-мактабнинг 11-синф ўқувчилари.**

Биз сизнинг хатингиз бўйича Олий ва ўрта таълим вазирлигига мурожаат қилганимизда, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги лойиҳа ҳали кўриб чиқилмаганлигини таъкидлашди. Ҳар йилгидек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ҳужжат топширган абитуриентлар чет тили, она тили ва адабиёт, тарих фанларидан, Тошкент давлат юридик институтига тарих, она тили ва адабиёт, чет тилларидан, Тошкент тиббиёт академиясига эса биология, химия, она тили ва адабиёт фанларидан тест асосида имтиҳон топширишади.

**Наргиза МИРЗАКАРИМОВА.**

050

## МАҚСАД – ОФАТЛАРДАН АСРАШ

Юртбошимизнинг жорий йилнинг 9 февралида эълон қилинган «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида бошқарманинг йил бошидан буён Тошкент шаҳар ҳокимияти, Санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Чирчиқ-Оҳангарон ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Баратхўжа, Толариқ, Салар, Дамаши, Бўрижар ва Анҳор каналларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича олиб борилган ишларни кўрсатишимиз мумкин.

Режага биноан ҳозирга қадар шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларнинг 16,373 км. қисми санитар тозаланди ва 4700 тонна чиқинди-ахлатлар шаҳар ҳудудидан ташқарига олиб чиқилди. Бундан ташқари, табиий офат келиб чиқишига омил бўлувчи канал ичига эгилган дарахтлар йиқитилиб, сув тўпланишига сабаб бўлаётган шох-шаббалар буталанди.

Айни пайтда каналлар ўзани ва кўприк қувури олдидаги коммуникация (телефон, канализация, совуқ сув) қувурларига тўпланиб қолаётган дарахт шох-шаббалари ҳар 15 кунда тозаланиб, доимий равишда назорат қилинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Фуқаро муҳофазаси бўйича махсус-тактик машғулотни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги кўрсатмасига асосан, яқинда Чирчиқ дарёсининг Тошкент шаҳар Бектемир тумани Тошкент халқа йўли кўчаси «Шамд» масъулияти чекланган жамияти газ ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнидан оқиб ўтувчи ўнг қирғоғини мустаҳкамлаш ва ўзанини тозалаш мақсадида, махсус-тактик машғулот ўтказилди. Яна бир махсус-тактик машғулот жорий йилнинг 28 март куни ташкиллаштирилиб, унда пойтахтнинг Миробод тумани ҳудудидаги Қўйлиқ-4 даҳасидан оқиб ўтувчи Бўзсув ирригация тизими бошқармасига тегишли Баратхўжа каналининг 4 та кўпригини, ўзанини тозалаш ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ушбу махсус-тактик машғулотларнинг муҳим жиҳати, фуқароларни ўзи яшаб турган ҳудудда ва бу ҳудудан оқиб ўтувчи канал, ариқлардаги турли фалокат – офатлардан асраш ҳамда фавқулодда вазият содир бўлгудай бўлса уларнинг фалокат доирасидан чиқиб кетишга қай даражада тайёрлигини белгилашдир.

**Полковник**
**Эргаш ИКРОМОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғи.**

АКТУАЛЬНОЕ ИНТЕРВЬЮ

## УСИЛИВАЯ ПРОТИВОПОЖАРНУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ



**В настоящее время в республике повсеместно все больше внимания уделяется вопросам пожарной безопасности. Это становится актуальным в связи с наступлением сезона жаркой и сухой погоды. Поэтому не являются исключением и наши военные городки.**

**На это нацелены и нормативные документы руководства Министерства обороны.**

**Учитывая актуальность проблемы пожарной безопасности, наш корреспондент встретился с начальником отдела противопожарной защиты и спасательных работ Министерства обороны подполковником Д. ХАМРАЕВЫМ и попросил его ответить на ряд вопросов.**

**– Джура Кузиевич, как осуществляется организация пожарной безопасности в войсках?**

– Проводится целый комплекс пожарно-профилактических мероприятий согласно требованиям руководящих документов по противопожарной защите, направленных на недопущение случаев возгораний и пожаров. Пожарно-профилактические мероприятия включают в себя проведение огнезащитной обработки сгораемых элементов, своевременную перезарядку огнетушителей, освидетельствование молниезащитных устройств, исправное содержание и своевременное техническое обслуживание охранно-пожарной сигнализации, проверку дымоходов печей и всего электрического хозяйства. Непосредственно в подразделениях обеспечением должного уровня пожарной безопасности занимаются начальники штатных или нештатных пожарных команд.

**– Как оценивается работа, проводимая в войсках по обеспечению должного уровня пожарной безопасности?**

– Конечно, не все идет так, как хотелось бы. Но все-таки контроль за выполнением должностными лицами противопожарных мероприятий со стороны инспекторского состава не ослабевает. Инспекторы и начальники служб постоянно работают над усовершенствованием своих профессиональных знаний.

**– Назовите подразделения, где организация противопожарной защиты налажена на высоком уровне.**

– Таких подразделений немало. Там, где командиры заинтересованы и требовательны к подчиненным в вопросах соблюдения ими норм и правил пожарной безопасности, налажена соответствующая работа. Немаловажна и требовательность гарнизонных инспекторов противопожарных подразделений, которые постоянно находятся в войсках, оказывают практическую помощь, контролируют выполнение противопожарных требований. Это – майоры Р. Атажанов, Г. Холмирзаев, О. Исмоилов, Б. Хамидов, капитаны А. Журавлев, Д. Ким, Т. Тлеуниязов, сержант М. Матсафаев, младшие сержанты Р. Жалолов, З. Хасанов и другие.

Также хочется отметить офицеров Э. Каландарова, Ф. Зайниева, С. Хасанова, Б. Кодирова, И. Тухтамишева, Д. Кулбаева, которые особенно требовательны в вопросах пожарной безопасности, и старшего сержанта А. Камалова, сержантов Ф. Каланова, В. Романова, К. Абибуллаева, А. Шерматова, служащего Вооруженных Сил М. Хурсанова, организовавших противопожарную службу на высоком уровне.

**– Что делается для поддержания высокого уровня профессионализма?**

– Инспекторский состав противопожарных подразделений дважды в год (за зимний и летний периоды) проводит проверку боевой и специальной подготовки пожарных команд, а также уровня их теоретической и практической подготовки. Кроме того, начальники военных команд противопожарной защиты ежедневно, согласно расписанию занятий, проводят теоретические занятия с личным составом команды и практическую отработку нормативов по пожарно-строевой подготовке. Ежегодно отделом противопожарной защиты и спасательных работ проводится сбор с личным составом противопожарных подразделений.

**– Как ведется обеспечение пожарной техникой и имуществом?**

– В настоящее время налажено сотрудничество со специализированными предприятиями нашей страны. Благодаря этому улучшено техническое состояние имеющейся на вооружении пожарной техники, заменены устаревшие ее образцы.

**Беседовал Борис САИДОВ.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Ужесточаются иммиграционные законы

Депутаты Национального собрания Франции приняли законопроект о «выборочной иммиграции». Он предусматривает, что Франция будет принимать только тех иммигрантов, в которых она нуждается. Законопроект ужесточает также правила въезда и пребывания иностранцев на территории страны. За документ проголосовали 367 из 577 парламентариев, передает ИТАР–ТАСС.




### Скандал в Интерполе

В неполном составе открылась в Минске 35-я Европейская региональная конференция Международной организации уголовной полиции – Интерпола. Из 46 стран – членов Интерпола собрались представители немногим более десяти государств, преимущественно СНГ, сообщает ИТАР–ТАСС. Евросоюз, проводящий политику изоляции белорусского режима, выступил с призывом бойкотировать Минскую конференцию. Генеральный секретарь Интерпола Роналд Ноубл назвал бойкот конференции нарушением Устава данной организации.



### Правительство приведено к присяге

Новое правительство Италии во главе с Романо Проди приведено к присяге. Правительство Проди сформировано левоцентристской коалицией партий, одержавшей победу на парламентских выборах 9–10 апреля. Предполагается, что новое правительство начнет работу после получения вотума доверия в палате депутатов, передает ИТАР–ТАСС.



### В школе найдены взрывчатка и автоматы

На спортплощадке шк. N7 в дагестанском городе Кизилюрт найдены шесть тротиловых шашек, два автомата Калашникова, три магазина к ним, граната РГН и 40 гильз разного калибра. Тем самым «подтверждается версия правоохранительных органов о намерении бандгруппы «Буйнакский джамаат» совершить в Кизилюрте крупный террористический акт с захватом школы», – сообщило РИА Новости.



### Третий этап поисковой операции

В зоне крушения лайнера А-320 продолжается третий этап поисковой операции. Мероприятия поисковой операции ведутся круглосуточно. Глубоководный робот РТ-1000 в сложившихся обстоятельствах может поднять фрагменты самолета до 12 килограммов и 2 бортовых самописца, каждый из которых весит 7 килограммов. Заиленность дна мешает вести работу непрерывно.



### Похищены драгоценности на 2 млн. долларов

В индийском городе Хайдерабад из ювелирного магазина похищены ценности на сумму 100 миллионов рупий (более 2 млн. долларов), сообщает агентство PTI. Магазин с выставленными в витринах бриллиантами, рубинами, изумрудами от воров был защищен только стальными решетками, без дополнительной охраны. Грабители, вскрыв дверь, проникли в торговый зал, где хранились драгоценности, сообщает РИА Новости. Пропажа была обнаружена лишь на следующий день, когда сотрудники магазина пришли на работу.



### Гигантские волны из серной кислоты

На поверхности ядовитых кислотных облаков Венеры астрономы разглядели загадочную рябь грандиозных размеров. Расстояние между волнами достигает нескольких сотен километров. Волны замечены японскими учеными во время наблюдения за второй планетой Солнечной системы с помощью мощного инфракрасного телескопа «Subaru», установленного на Гавайских островах, передает ИТАР–ТАСС. Причины гигантского шторма на облаках Венеры неизвестны, заявили эксперты.



### На улицах – велорикши

В Москве появился новый вид транспорта – веломобили. 11 желтых веломобилей пока ездят только по определенным маршрутам в центре столицы, в районе Пушкинской площади и Тверской улицы. В салоне помещаются два пассажира. Удовольствие стоит 150 рублей с человека за одну поездку. Перед выездом на трассу каждый велорикша прошел курс специального обучения. Транспортное средство оборудовано ножной тягой, ручным тормозом и велосипедным звонком.

**(www.NEWSru.com).**

Ҳарбий техника шарҳи



## ТУРЛИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

Сингапур мамлакатининг «Сингапур теколоджиз кинетикс» компанияси «Террекс» деб номланган сузувчи жанговар зирҳли машинанинг (ғилдираклар формуласи 8х8) тажрибавий намунасини ишлаб чиқди. Машина корпуси модул конструкциясига эга бўлиб, бу уни турли хилдаги қуроллар билан жиҳозлаш имконини беради. Жумладан, унга 25 мм.ли тезотар М242 тўпи ва 7,62 мм.ли пулемёти ёки 105 мм.ли тўпи бўлган башня қурилмаси ўрнатилиши мумкин. Машина конструкцияси, шунингдек, корпуснинг қуйруқ қисмидаги юқори зирҳ варағи демонтаж қилинганидан кейин у ерга 155 мм.ли гаубица ёки 120 мм.ли миномёт (суратга қаранг), ўрта қисмида эса – 40 мм.ли гранатомёт ва 7,62 мм.ли жуфтланган пулемёти бўлган масофадан бошқарилувчи қурол модулини жойлаштириш имконини яратади. Мазкур жанговар зирҳли машинага 450 от кучи қувватига эга бўлган бир қаторли олти цилиндрли «Катерпиллер» С-9 дизели ўрнатилган бўлиб, бу шоссе бўйлаб ҳаракатланишда энг юқори тезликни 120 км/соат (сузганда 10 км/соат)га етказиш имконини беради.

Машинанинг асосий тактик-техник тавсифлари: максимал оғирлиги 24 т, юксиз (жиҳозлар ва башня қурилмасисиз) – 13 т, узунлиги 7 м, эни 2,7 м, баландлиги 2,15 м. Суратда: 120 мм.ли миномёт тизими, 40 мм.ли гранатомёт ва 7,62 мм.ли пулемёт билан жиҳозланган «Террекс» машинаси (максимал отиш узоқлиги 9 км, отиш тезлиги 1 дақиқада 18 та отиш).




## КИЧКИНА ДЕМАНГ УНИ...

Германиянинг «Рейнметалл дефенс электроникс» компанияси мутахассислари шаҳар шароитларидаги жанговар ҳаракатларни разведка билан таъминлаш учун мўлжалланган, тик (вертикал) кўтарилувчи ва қўнувчи «Колибри» К-60 русумидаги кичик учувчисиз учиш аппаратини (УУА) яратиш бўйича илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боришмоқда. Аппарат диск кўринишига эга. Кучланиш қурилмаси беш парракли винт (пропеллер) билан жиҳозланган тўртта электродвигателдан иборат. Аппарат диаметри 60 см атрофида, максимал кўтарилиш оғирлиги 1,6 кг, фойдали юк оғирлиги 0,35 кг, учиш давомийлиги 20 дақиқа.

К-60 УУАга қўйиладиган асосий тактик-техник талаблар: ҳаракатланиш радиуси 10км.гача, максимал фойдаланиш баландлиги денгиз сатҳидан 1500м юқорилик атрофида, фойдаланиш температураси миқёси (диапазони) –20 дан +75 С гача, ёпиқ хонадан (пана жойдан) туриб аппаратни бошқариш имконияти 15 м.дан кам бўлмаган масофадан. Ишлаб чиқувчилар баёнотига кўра, ҳозирги вақтда ушбу УУАнинг прототипи синовдан ўтказилмоқда. Экспертлар уни кичкина бўлишига қарамай, жуда истиқболли восита, деб ҳисобламоқдалар. Суратда: К-60 «Колибри» УУАнинг тажриба нусхаси ва уни бошқариш пульти.



## ДЕНГИЗДАН СОҲИЛГА ТЕЗЛИК БИЛАН

Олдинги районлардаги ҳаракатчан денгиз базалари концепциясига мувофиқ АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг илмий-текшириш бошқармаси денгиздаги кемалардан жиҳозланмаган соҳилга шахсий таркиб ва моддий воситаларни тезда етказишни таъминлашга қодир бўлган махсус кемаларнинг бир қатор прототипларини ишлаб чиқмоқда. Шартли равишда E-craft (истиқболли десант кемаси) деб номланган катамаран типидаги тезюрар фронторти таъминоти кемаси қурилаётган ана шундай тажрибавий намуналардан бири бўлиб, ундан Аляскнинг соҳил бўйи сувларида тижорат юкларини ташиш учун паром сифатида ва бир вақтнинг ўзида ҳарбий денгиз кучлари манфаатларида янги технологик хулосаларни синовдан ўтказиш учун фойдаланиш режалаштирилган.

Кеманинг юк платформаси турли ўлчамдаги юкларни ортиш ёки туширишни енгиллаштириш учун юқорига кўтарилиш ёки пастга туширилишга мослаштирилган бўлади. Бундан ташқари, экраноплан ва ўзгарувчан сув сиғимига эга бўлган десант катерини ташиш учун фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча бошқа вариантлар ҳам кўриб чиқилмоқда.

**(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).**

ВАТАНПАРВАР

Шифокор маслаҳати

# ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ



Ёз ойларида кунлар исиши билан касаллик қўзғатувчи микроблар кўпайиши учун етарлича шарт-шароит вужудга келади. Хом маҳсулотларни ташиш, сақлаш ва овқат тайёрлаш жараёнларида санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаслик, овқатдан заҳарланиш ва ўткир ичак касалликларининг келиб чиқишига замин яратади.

Касаллик қўзғатувчи микроблар ёки заҳарли моддалар билан ифлосланган овқатни истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан касалликка овқатдан заҳарланиш дейилади. Овқатдан заҳарланиш асосан икки гуруҳга бўлинади: микробларга алоқадор бўлган ва микробларга алоқадор бўлмаган заҳарланишлар.

Микробларга алоқадор бўлган заҳарланишлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Овқат токсикоинфекциялари, яъни касаллик қўзғатувчи тирик микроблар (ичак таёқчалари, салмонелла, протей) билан зарарланган овқатларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Овқат интоксикациялари эса, микроблар томонидан ажратиб чиқарилган токсинлар билан зарарланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида содир бўлади.

Овқат токсикоинфекциялари ошқозон-ичак қаватининг яллиғланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиш ва тана ҳароратининг 39-40 С гача кўтарилиши билан кечади. Кўпчилик ҳолларда касаллик 2-3 кун давом этади. Унинг келиб чиқишига кўп ҳолларда ичак бактериялари оиласига мансуб бўлган, салмонелла микроблари билан зарарланган гўшт, балиқ, консерва, сут ва қандолат пашша ҳам энг асосий хавф туғдирувчи манба ҳисобланади.

Стафилококк ва ботулинус таёқчалари келтириб чиқарадиган заҳарланишлар ҳал хил кўринишда бўлиши мумкин.

Стафилококк овқатдан заҳарланишларда касалликнинг яширин даври 2-3 соат, баъзи ҳолларда 6 соатгача давом этиши кузатилади. Заҳарланиш асосан юрак беҳузурлиги, танадан совуқ тер чиқиши ва ҳолсизлик билан давом этиб, бемор 2-3 кун ичида соғайиб кетади.

Стафилококк заҳарланишда асосий касаллик манбаи ангина, кўз шиллиқ қаватининг яллиғланиши билан касалланганлар ва қўлларида йирингли яраси бор одамлар ҳисобланади. Улар қўллари ёки сўлаклари орқали озиқ-овқатларни шу микроблар билан зарарлайдилар ва натижада овқатдан заҳарланиш ҳолатлари келиб чиқади. Стафилококкдан заҳарланишларга мастит касалига чалинган қорамоллардан соғиб олинган сут маҳсулотлари ва кремли қандолат маҳсулотлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ботулизм токсинидан заҳарланиш оғир заҳарланишлар тоифасига мансуб бўлиб, токсин асосан ҳавосиз жойда кўпаядиган ва спора (қобиқ) ҳосил қила оладиган ботулизм таёқчаси томонидан ишлаб чиқарилади. Касаллик аломатлари овқат истеъмол қилингандан кейин 12-36 соат ичида келиб чиқади ва асосан бош мия асаб системасининг шикастланиши билан кечади. Касалликнинг биринчи аломатларидан бири кўриш қобилиятининг пасайиши, кўз олдининг қоронғулашуви, кейинчалик тил, томоқ ва юз мускулларининг фалажланиши, ошқозон

**ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ АСОСАН ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ: МИКРОБЛАРГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН ВА МИКРОБЛАРГА АЛОҚАДОР БЎЛМАГАН ЗАҲАРЛАНИШЛАР.**

маҳсулотларини истеъмол қилиш сабаб бўлиши мумкин.

Гўшт маҳсулотларининг салмонелла микроблари билан зарарланиши қорамоллар ва бошқа ҳайвонларнинг ҳаёти мобайнида касалликка чалиниши ёки жароҳатланиши натижасида содир бўлади. Салмонелла микроблари жароҳат олган ёки касалланган ҳайвон ичакларидан лимфа ва қон томирлари орқали ўтиб, уларнинг мускулларида тўпланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бундай қорамол ва бошқа ҳайвонларнинг гўшти инсон учун хавфли ҳисобланади ва истеъмолга қўйилмайди. Бундан ташқари, салмонелла инфекцияси яхши пиширилмаган ва ичак микроблари билан зарарланган товуқ, ўрдак гўштларини ва уларнинг тухумларини истеъмол қилиш натижасида ҳам келиб чиқади.

Касаллик қўзғатувчи ичак таёқчалари ва протей микроблари асосан тупроқда, озиқ-овқатларда ва сувда учрайди, уларнинг ташувчиси кўпинча одамлар ҳисобланади. Микроблар тайёр озиқ-овқатларга яхши ювилмаган қўл, идиш-товоқлар ва ифлосланган кийим-кечаклар орқали тушади. Қолаверса, ушбу касалликни тарқалишида ва ичак мускуллари қисқаришининг пасайишидир. Тана ҳарорати нормада ёки бироз пасайган бўлиши мумкин. Агар ўз вақтида токсинга қарши махсус даволаш муолажалари қўлланилмаса, бемор ҳаёти хавф остида қолади.

Ботулизм касаллигининг келиб чиқиши асосий сабабларидан бири гўшт, балиқ ва сабзавотлардан тайёрланган консерва маҳсулотларини тайёрлашда ишлов ва стерилизация қоидаларини бузилишидир. Шунингдек, сифатсиз дудланган балиқ, колбаса маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ҳам касаллик пайдо бўлиши мумкин. Ботулизм токсини 100 С ҳароратда 15 минутда парчаланиб кетади, лекин ботулизм таёқчасининг спораси (қобиғи) 120 С ҳароратда ҳам сақланиб қолади.

Микробларга алоқадор бўлмаган заҳарланишларга, табиатан ўз танасида заҳарли моддаларга эга бўлган балиқ маҳсулотларини, ўсимликларни ҳамда заҳарли моддалар билан зарарланган маҳсулотларни истеъмол қилиш сабаб бўлади. Ҳарбий қисмларда бундай заҳарланишлар озиқ-овқатларни берилиши устидан назорат пасайтирилганда учраши мумкин. Истеъмолга яроқсиз бўлган қўзиқоринларни татиб кўриш ва уни овқат рационига киритиш оғир заҳарланишларни келтириб чиқаради.

Озиқ-овқат маҳсулотларига рух ва қўрғошин каби ёт моддаларнинг тушиши ҳам оммавий заҳарланишларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, сирланмаган челакларда шарбат ва тузланган сабзавотларни сақлаш жуда ҳам хавфли, чунки рух тузли муҳитда эрийди ва бунинг оқибатида заҳарланиш юзага келади.

Ўсиб ва кўкариб қолган картошкани истеъмол қилиш ҳам хавфли. Аслида картошка таркибида соланин миқдори 2-11 мг/кг дан ошмайди, лекин картошка ўсимталарида бу миқдор 420-730 мг/кг гача кўтарилиши ва заҳарланишни келтириб чиқариши мумкин. Соланин асосан картошканинг пўстлоғида кўпроқ бўлиб, унинг миқдори картошкаларда ҳар хил нисбатда бўлади. Сақлаш қоидалари бузилган, кўпроқ очиқ ҳавода сақланган, устки қисми ўсиб кетган ва пўстлоғи яхши тозаланмаган картошка зарарланишга сабаб бўлади. Заҳарланиш ютинганда томоқда аччиқ таъмни ҳосил бўлиши, кўнгил айниши, беҳузурлик, оғир ҳолларда эса, қоринда ўткир оғриқ бўлиши билан кечади.

Овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш учун ҳарбий қисм ошхоналарида, умумий овқатланиш шохобчаларида ҳамда уй шароитида санитария-гигиена қоидаларига қаттиқ амал қилиш, маҳсулотларни ташиш, ишлов бериш, тайёрлаш, тарқатиш пайтида пиширилган ва пиширилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини микроблардан ҳимоялаш ва уларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Ҳарбий қисмларда, ташкилотларда, дам олиш масканларида, муассасаларда, болалар боғчалари ва ёзги дам олиш оромгоҳларида берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларни ташиш, тайёрлаш, тарқатиш, ходимларни тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши устидан назоратни ёз ойларида янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий олий ўқув юрти курсантлари, мактабгача тарбия муассасаларида ва озиқ-овқат хизмати ходимлари ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишларини амалга ошириш керак.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган талабларга қатъий амал қилсак, ҳарбий қисм ва муассасаларда, ҳарбий хизматчилар орасида ва уларнинг фарзандлари тарбияланаётган мактабгача тарбия муассасаларида овқатдан заҳарланиш ва юқумли ичак касалликларининг олдини олган бўламиз.

**Баҳодир ОЧИЛОВ,**
**Мудофаа вазирлиги Бош гигиенисти – Санитария-эпидемиология назорат маркази санитария гигиена бўлими бошлиғи.**



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

# МАТОНАТДАН САБОҚ БЕРИШАР БУНДА

**Ёшларни турли касбларга ўргатиш билан бир қаторда, уларни ҳарбий ҳаётга тайёрлашда, қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўзига хос ўрни бор. Мақоламизда ушбу ташкилотга қарашли бўлган Андижон техника мактаби ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Андижон бирлашган техника мактаби ҳам замонавий ўқув дастгоҳлари ва техникалар билан таъминланган бўлиб, бу курсантларнинг касб сирларини янада мукаммал ўзлаштириб олишлари учун анча қўл келмоқда. Ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув хоналарига кирганимизда, курсантларга ясама макетлар асосида эмас, балки турли русумдаги автомобилларнинг моделларини қисмларга ажратилган ва йиғма ҳолатда тушунтиришаётганининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг пухта билим эгаллашларида эса бир неча йиллик тажрибага эга бўлган Йўлибой Жонқўзиев, Фозилжон Юсупов, Жўрабой Мирзабоев, Дилмурод Юсупов сингари фидойи ўқитувчиларнинг залворли меҳнатларини алоҳида тилга олмоқ лозим. Улар ёшларга касб сирларидан ташқари, жасурлик ва матонатдан сабоқ беришади.

– Йигитлар эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллашлари учун уларни мактабимиз дала-ўқув майдонига олиб чиқамиз, – дейди мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёр Валиев. – Улар полигон шароитида ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишади.

Айни дамда миллий армиямиз сафларига турли йўналишдаги мутахассисларни етказиб бераётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли автомобиль мактаблари сингари ушбу техника мактабида ҳам бўлажак курсантлар танлов асосида қабул қилинади. Бундай ижобий ишнинг самараси ўлароқ, ўқув маскани малакали кадрлар тайёрлашдек улкан вазифани уддаламоқда.

– Мактабимиз 1943 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда Қуролли Кучлар ҳамда халқ хўжалиги учун еттита мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаб келмоқда, – дейди биз билан суҳбатда мактаб директори «Шуҳрат» медали ҳамда «Амир Темур» ордени соҳиби Турсунбой ака Жалолов. – Бу ерда курсантларимиз нафақат ҳайдовчилик, балки алоқа соҳасининг турли йўналишлари бўйича ҳам замонавий билимларни эгаллашади.

Курсантлар ҳарбийлаштирилган шароитда таълим олиб, уларнинг жисмоний ва маънан баркамол бўлиб етишишлари учун бу ерда барча шароитлар мужассам. Юртимизнинг узоқ ўтмиши ва мактаб тарихидан ҳикоя қилувчи музей экспонатлари ҳамда турли жанрларга хос китоблар хазинасига эга бўлган мўъжаз кутубхона уларнинг тафаккурини бойитса, турли хил тренажёр анжомлари ўрнатилган спорт зали эса йигитларнинг жисмоний чиниқишига ёрдам беради.

Мактабнинг спорт техника клуби бошлиғи Абдуқодир Сиддиқов раҳнамолигида бу ерда мунтазам спорт тадбирлари уюштирилиб турилади. Бундан ташқари, клуб аъзолари тез-тез мусобақаларда иштирок этиб, тажриба орттиришмоқда.

Автоспорт бўйича ҳам мактаб азаматларининг натижалари чакки эмас. Шунқорлар шу йилнинг март ойида мотокросс бўйича Андижон вилояти биринчилигида шоҳсупанинг юқори чўққисига кўтарилишди. Ушбу турнирда ғалабани таъминлашда клуб аъзолари Геннадий Сорокин, Абдуҳалил Тошхўжаев ҳамда Ольга Кульбатскаяларнинг хизматлари катта бўлди.

Мактабда курсантларнинг машғулотдан бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар дарсдан сўнг режага мувофиқ маънавият ва маърифат хонасида тарихий фильмлар кўриши, кутубхона хизматидан фойдаланишлари ёки спорт залида шуғулланишлари мумкин. Умуман олганда, Андижон бирлашган техника мактаби бугун армиямиз сафларига ҳар томонлама соғлом, керакли мутахассисларни етиштириб беришда алоҳида аҳамиятга эга. Мактабни тугатган курсантлар муддатли хизмати мобайнида ҳеч қийинчиликларсиз эгаллаган мутахассислиги бўйича ўз билимларини амалиётда намоён қилишмоқда.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Туҳфа

## ЮРТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМАН

**(Аскар қўшиғи)**

Мен аскарман, аскарман,
Тинчликка сафарбарман.
Ватанни қўриқлашдек,
Шарафга муяссарман.

Бурчимни ардоқлайман,
Юрт ишончин оқлайман.
Ҳушёр туриб постимда,
Эл тинчлигин сақлайман.

Биламан, ғанимлар бор,
Ўта муғомбир, айёр.
Мен Ватан ишончиман,
Ёвни янчишга тайёр.

Қўлда қурол-яроғим,
Белда камар-белбоғим.
Куч-қудратим таянчи
Халқим – суянган тоғим.

Номи қалбимга жодир,
Тупроғи тўтиёдир.
Керак бўлса шу Ватан
Учун жоним фидодир.

Ортиб масъулиятим,
Маҳорат, қатъиятим.
Қасамёдимга содиқ,
Бўлмоқ эзгу ниятим.

Мен аскарман, аскарман,
Тинчликка сафарбарман.
Она юрт посбонидек
Шарафга муяссарман.

**Исомиддин ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## МЕҲР

Дунё гўзаллиги онадан албат,
Шунингчун у бизнинг ардоғимизда.
Унинг ҳар бир сўзи бизга ғанимат,
Меҳри жилваланар дил боғимизда.

Кўкка қанча парвоз этмасин бургут,
Макони барибир шу тоғлар, шу ер,
Заминга талпинар кўкдаги булут.
Ёмғир бўп бағрига сингиб кетсам дер,

Сочимиз оқарди, кездик дунёни.
Фақат она бўлди бизни тушунган,
Қадрига етайлик меҳри зиёни,
Ахир дунё асли меҳрдан унган.

**Маҳмуджон ҚУРБОН,**
**меҳнат фахрийси.**

## ДИЁР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Қуёшнинг ёғдуси бор,
Инсоннинг орзуси бор.
Эл бахтини кўзловчи,
Ватаним қомуси бор.

**НАҚОРАТ:**

Жонажоним диёрим,
Танда жоним диёрим,
Бу дунёда ягона,
У менинг бахту борим.

Меҳрибон онам – Ватан,
Азиз остонам – Ватан.
Дунёларга бергисиз,
Тилло кошонам – Ватан.

**НАҚОРАТ:**

Жонажоним диёрим,
Танда жоним диёрим,
Орзумга қанот берган,
У менинг бахту борим.

**Қодиржон ОФАРИНОВ.**

## АСКАР

Тизилишиб, бир бўлишиб саф,
Душманларни этар бартараф.
Ўз юртига қалқондир аскар,
Сизга бўлсин омад, шон-шараф!

Қўлларига олса гар қурол,
Душманлар-чи панага урар.
Халқим тинчин асрашчун бедор,
Мардонавор постида турар.

**Бунёд БЎТАЕВ,**
**Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, 7-синф ўқувчиси.**

Болаларингизга ўқиб беринг

# ТУРМУШДАГИ ХАВФСИЗЛИК

Аввало, турмушда, ҳар қадамда, ҳар лаҳзада турли-туман бахтсиз ҳодисалар тўсатдан рўй бериши мумкин. Шунинг учун ҳам халқ ичида «Фалокат оёқ остидадир, у жонинг қасдидадир», деган доно нақл бор. Фалокатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Бунинг учун ҳар ким, ҳар доим, ҳамма жойда зийрак, тийрак, ҳушёр ва сергак бўлиши лозим. Акс ҳолда игнанинг учидай нарсадан ҳам катта зарар кўриши, озор чекиши мумкин. Мана, ҳаётий бир мисол:

Бувим тақиб кўзойнак
Тикардилар иш, кўйлак.
Чирт этиб ип узилди,
Авзойилари бузилди.
Ҳарчанд уринмасинлар,
Игнага ип ўтмади.
Бувижонимнинг менсиз
Юмушлари битмади.
– Эҳтиёт бўл, – дедилар,–
Бир фалокат бошлама!
Кейин чекиб оҳу-воҳ ,
Кўзларингни ёшлама!
– Қайда бўлар фалокат?
Игнанинг учидами?
Кўчадами, ҳовлида,
Ё уйнинг ичидами?
– Бундай дема, жон болам,–
У оёқ остидадир!
Эту тирноқ ораси,
Қош-қовоқ устидадир!
– Кўрамиз, – деб игнага
Ип ўтказа бошладим.
Лекин ҳовлиққанимдан
Икки кўзим ёшладим.
Ногоҳ бош бармоғимга
Игна учи кирди-ку!
Қон тирқираб, танамда
Оғриқ зир югурди-ку!
Шунда бувим сўзларин
Донолигин англадим.
Фалокатнинг қаердан
Пайдолигин англадим.

### МЕНИНГ УЙИМ

Яхши эътибор берсак, яшаб турган уйимизда ҳам бирор фалокатга сабаб бўладиган нарсалар жуда кўп. Қани, улар билан бирма-бир танишиб чиқайлик. Қайси ишлар фойдали, қайси бири зарарли экан, яқиндан кузатайлик-чи.

**ТАНИШУВ:**

–Мен қайчиман-қайчиман. Қийиб-қийиб, матодан тўн кияман!

–Мен игнаман – тиғли учим бор. Учимда зўр кучим бор!

–Мен пичоқман – кесмоқдир ишим! Кесмай қўйсам занглайман, ортар ташвишим!

–Мен санчқиман. Шунга санчқи дейишар, санчиб-санчиб мен билан турли таом ейишар!

–Мен болтаман, ёрадурман – ҳар бир ишга ярайдурман!

–Мен кетмонман, ер чопаман – ердан ризқ-рўз топаман!

–Мен ўроқман, ишимдир ўриш – иш бўлса бас, йўқ қараб туриш!



**МАСЛАҲАТ:**

Ўҳ-ҳў-ў!.. Жудаям қўрқинчли-ку-а? Бири қияман, бири кесаман, бири чопаман, бири ёраман, бири ўраман, деяпти-я!

Ҳа, болажоним, ростдан ҳам булар қўрқинчли нарсалар. Шунинг учун ҳам сенга ўзларини таништиришди-да! Бир кунда неча минглаб болалар тегажоқликлари туфайли шифохоналарга келтиришларини билсанг эди! Яхшиси, уларга ҳуда-беҳудага тегма, ўйинчоқ қилиб ўйнама. Фақат катталар уларни қандоқ қилиб ишлатишларини кузат. Катта бўлганинг сари сен ҳам улар билан дўстлашиб, хавф-хатарсиз, безарар фойдаланишни аста-секин ўрганасан. Чунки ҳаётда, рўзғорда уларсиз бирор иш битмайди-да, тўғрими?

**ТОПШИРИҚ:**

Мабодо катталар уйдаги ўткир тиғли нарсалар – иш қуролларини у ер бу ерда унутиб, қаровсиз қолдиришган бўлса, дарров бундан уларни хабардор қил. Ёки буни ҳеч ким билмаса, бир чеккага эҳтиёткорлик билан олиб, яшириб қўй. Ҳушёрлик ва саранжомлик барча фалокатларнинг олдини олади.

Шуни билгин бир карра:
Пичоқ, қайчи, мих, арра,
Ўроқ, санчқи, пойтеша,
Ўз ўрнида ҳамиша
Ишлатилса дид билан,
Эҳтиёж, маврид билан,
Турса жойи-жойида,
Келтиради наф, фойда!
Йўқса, кони зиёндир,
Жароҳатга нишондир!

**Искандар РАҲМОН,**
**Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси.**

Овчи ҳикояси

# ҚЎМСАШ

Ойқар – Бахмалнинг сўлим ва хушманзара гўшаларидан бири. Мафтункор табиати кишига завқ, ҳузур-ҳаловат ва яхши кайфият бахш этади. Чор атрофи Етимтоғ, Учқиз ва Қирққиз тоғлари билан қуршалган. Ҳар қадамда шилдираб оқаётган булоқларни учратиш мумкин. Тоғ ёнбағирларида ястаниб ётган бодом, тоғписта, арча ва турли доривор гиёҳлар кўзни қувонтиради. Бу ерда қўнғир, кўкимтир ва малларанг айиқлар энг кўп тарқалган ҳайвонлардан ҳисобланади. Улар инсон қадами етмайдиган баланд ва нотекис харсанг тошлар оралиқларини макон қилиб олишган.

Илиқ баҳор кунларининг бирида Мурод овчи Етимтоғ тепалигига кўтариларкан, ўт-ўланлар устида қон изларига кўзи тушгач, бунда браконьерлар қўли борлигига шубҳа қилмади. Теварак-атрофда эса қимирлаган жон йўқ, зоғ ҳам учмасди. Айиқларгина ҳар қандай жароҳатга бардош бериб, узоқ масофаларга ҳам кета олиши овчига маълум. У тўрткўз ити билан яна икки қир ошгач, қияликдаги арчазор оралиғида аллақандай жониворнинг ғингшигани қулоғига чалинди. Унга яқинлашар-яқинлашмас дарахтлар тагидан судралганча қўнғир тусли айиқ чиқиб, ҳамла қилмоқчи бўлди. Мурод овчи тўрт-беш қадам ортига тисариларкан:

– Тинчлан жонивор, дардингни олай мен, – деб ёлворган бўлди. Шунда дарғазаб айиқ жаҳлдор кўзларини овчига қадаганича бир пас тикилиб қолди. Кейин ёлғизоёқ йўлга ўтиб, бу ердан аста-секин узоқлаша бошлади. Тўрткўз эса ҳуришга тушди. Айиқ кўздан ғойиб бўлгач, Мурод овчи унинг юрган йўлларини синчиклаб ўрганаркан чап олд оёғидан оғир жароҳатланганини билиб олди. Ўз навбатида айиққа ҳам овчининг иси, товуши ва қадам излари маълум бўлди. Уларнинг дастлабки «танишув»лари ана шундай бошланганди.

Бир куни овчи йўл четида кутилмаганда ғингшиган товушни эшитиб, ён томонига ўгирилса, ўн-ўн беш қадам нарида ҳалиги қўнғир айиқ қимирламай бамайлихотир кўзларини унга қадаганча тикилиб турарди. Овчи айиқнинг жароҳатлари ҳали битмаганлигини кўриб-билиб турса ҳам барибир хавотирга тушиб, бу ердан узоқлашди.

Орадан чамаси уч ой ўтиб, қишлоқ одамлари боғ яқинида чўлоқ айиқнинг тез-тез пайдо бўлиши, болга тўлиб келаётган олмаларни «тозалаб» кейин бошқасига ўтиши тўғрисида ҳар хил гаплар тарқата бошлади. Унинг боғ яқинидаги тепаликда чўнқайиб ўтирганини кўрганлар ҳам бор эди. Шундан сўнг овчи қишлоқнинг тоғ билан туташган жойида чодир ўрнатиб, айиқнинг ортидан тушди. Бир неча кунлик елиб-югуришлардан сўнг қамиш ва чакалакзорлар орасидан таниш қўнғир айиқ изларини топди. Тўрт кечаю тўрт кундуз уни пойлади. Айиқ ҳам оқшомлари унинг ортидан қолмади. Кейинчалик овчи айиқнинг чодир атрофига келиб-кетиб туришини сезгач, севиниб кетди.

Куз охирлаб Мурод овчи ўзига таниш бўлиб қолган айиққа тўрт маротаба дуч келди. Ҳар гал жониворнинг овчи иси ва қадам изларини бехато топиб учрашиши ва узоқ тикилиб туриши ҳайратланарли эди. Ахир, тоғ йўлларидан қанчадан-қанча йўловчилар ўтмайди дейсиз?

Айиқ навбатдаги келишида ҳар хил имо-ишоралар билан ўйин қиладиган одат чиқарди. Овчи ҳам унинг танасига номутаносиб юриши ва ҳайбатидан асло хавотирга тушмасди. Бир сафар жонивор унга яқинроқ келиб тик турганича олд оёқларини узатди. Шунда унинг панжалари орасига тоғписта шохи тикони кирганини кўриб суғуриб ташлади. Кейин айиқ қаёққадир ғойиб бўлиб бир пастдан кейин яна пайдо бўлди. Энди унинг панжалари орасида бир ҳовуч ёнғоқ бор эди. Овчига ана шундай миннатдорчилик билдирди жонивор.

Шу-шу, иккаласи бир-бирларига тамоман ўрганиб «дўст» бўлиб қолишди. Лекин айиқ негадир узоқ вақт домдараксиз йўқ бўлиб кетди, куттиравериб уни изтиробга солиб қўйди. Бундаң овчи ҳар хил хаёлларга ҳам борди. Айиқлар одатда юрган йўлидан узоқ вақт қайта юрмаслиги маълум бўлсада, унинг йўлини роппа-роса бир ҳафта пойлади. Барибир ҳеч натижа чиқмади.

Кунларнинг бирида, чор атрофга тун қора пардасини ёйгач, ойнинг хира ёруғида тепаликда бир қанча шарпалар пайдо бўлди. Уларнинг боғ томон яқинлашуви эса овчини сергаклантириб қўйди. У садоқатли ити билан чодир ичидан шовқин келган томонни кузатаркан, чамаси ўн-ўн икки қадам узоқликдан кутилмаган меҳмонлар ёввойи чўчқалар эканлиги маълум бўлди. Жониворлар овчи ҳидини сезиб, бироз секинлашдида, тезда ўз йўлларини сойлиқ томонга бурди. Ташқарига чиққач, яна қандайдир шарпа ўзига яқинлашиб келаётганига кўзи тушди. У шошганича қўлга қўшотарини олиб тепкисини босган ҳам эди, ўт-ўланлар устида сирғаниб кетиб мўлжални аниқ нишонга ололмади. Қаттиқ ўкирик эшитилгандан кейингина овчи шарпа ўзига таниш бўлиб қолган айиқ эканлигини билиб қолди. Аммо энди кеч эди. Жаҳли чиққан жонивордан ҳар нарса кутиш мумкин. Хайрият, айиқ унга ташланмади. Тик турганча бир пас унга ажаблангандек тикилдию индамасдан орқасига қайтиб кетди.

Мана, Мурод овчи тоғу тош ва қир-адирларни қанча пиёда кезмасин қадрдон бўлиб қолган қўнғир айиқни қайта учратмади. У ҳамон жониворни қўмсайди. Серёғин баҳор, жазирама ёз ва салқин куз ойларида биргаликда ўтказган онларини эслаб туради. Энг муҳими, айиқнинг тирик қолганлиги унга юпанч ва тасалли беради.

**Абдулла САИДОВ.**



